Registered in Germany Europa Revue Journal
ISSN: 1862-6564 Vol. 6 No. 6 (2026) Published June 22, 2026

Non-traditionalism in Mirzo's lyrics

Fayzullaeva Rayhon Abdullaevna

Associate Professor of Information Technologies and Management University

Abstract

This article discusses the ghazals and munajat of the talented poet Muhammad Rasul Mirzo, who lived and worked in the literary environment of the era of Muhammad Rahimkhan Feruz.

Keywords

Divan, lyrical genres, traditionalism, munajat, ghazal, radif, lyrical hero, muhammas, masnavi.

Аннотация. Ушбу мақолада Муҳаммад Раҳимхон Феруз даври адабий муҳитида яшаб ижод этган истеъдодли шоир Муҳаммад Расул Мирзонинг муножот-ғазаллари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. Девон, лирик жанрлар, анъанавийлик, муножот, ғазал, радиф, лирик қаҳрамон, мухаммас, маснавий.

“Бадоеъ ус-саноеъ” асарида таъкидланишича, шеърий санъатлар асар бадиияти ва шоир маҳоратини кўрсатувчи муҳим воситадир[1]. Шунингдек, шеърий санъатлар туфайли бадиий асарлар ўзининг таъсир кучи, безакдорлиги, жарангдорлиги ва чуқур фалсафий маънодорлигига эга бўлади. Шу боис ҳам мумтоз шеърият вакиллари бу ижодий ҳодисага доимо катта масъулият, алоҳида тайёргарлик билан муносабатда бўлишган ва ўз ижодларида улардан имкон қадар фойдаланишган. Бадиий ижоддаги бу анъанавий ҳодиса асарнинг фақатгина ташқи безаги ёки шаклий томонини кўрсатувчи восита бўлиб қолмасдан, балки унинг бадииятини белгиловчи муҳим омиллар қаторида турган. Мирзо ижодида ўзига қадар яратилган мумтоз шеъриятнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди. Шоир ижодида қўлланган бадиий санъатлар, тасвир воситалари ҳамда шеъриятининг қофия тизими ҳақида тўхталамиз.

Маълумки, моҳиятининг нима эканини тўла англаб туриб, уни билмасликка олиш мумтоз шоирларимизнинг энг севимли бадиий тасвир

[1] Ҳусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 130.

воситаларидан саналган. Мирзо шеъриятида муваффақиятли қўлланган санъатлардан бири бу тажоҳули орифона санъатидир. Мирзонинг девонида ҳар бир байтида ушбу санъат моҳирлик билан қўлланган икки ғазал мавжуд. Улардан бирининг матлаъсида тасвир объектининг боғдаги қизил гулми ёки гулгун юзми, муаттар сунбулми ёки қоп-қора кокилми экани қаламга олинади:

Боғ аро гулдурму ё ул юзлари гулгунмудур?
Сунбули тарму ва ё ул кокили шабгунмудур? [14б]

матлаъли ғазалининг барча байти риторик сўроқ билан хотималанади. Кўриниб турибдики, бу ерда ёрнинг қиёфасига бир неча ташбеҳ келтирилмоқда, лекин шоирнинг узил-кесил фикри билдирилмайди. Бундан мақсад таъриф ва тавсифдан, ёр қиёфасини муболағали тасвирлашдан иборат. Девондаги

Мажлисимға келган ул кун юзли дилбарму экан,
Ё тулуъ эткан фалакдин меҳри анварму экан [28б варақ ҳошия]

деб бошланувчи ғазалида ҳам шоирнинг мақсади маҳбубасининг юзини осмонда нур сочиб турган қўёшга ўхшатишдир. Ўзини билмасликка солиш билан шоир гўёки сўраётгандек кўринмоқчи, холос.

Маълумки, мумтоз шоирларимизда туркий ва форсий тилларда баробар ижод қилиш одатий ҳолат саналган. Шу боис туркий девонлар таркибига форсий шеърларнинг киритилиши ёки туркий девон билан бирга форсий девонлар ҳам тартиб бериш ҳолати кузатилади. Зуллисонайнлик асосида юзага келган анъаналардан бири бу – бир шеър (одатда, ғазал – Р.Ф.) таркибида икки тил унсурларини тенг қўллашга асосланган муламмаъ санъатидир[2]. “Ранг-баранг қилмоқ” маъносини ифодаловчи ушбу бадиий санъат шеър мисраларини турли тилларда битишни назарда тутади. Адабиётимизда бир шеърнинг таркибига араб, форс-тожик ва туркий тилларнинг баробар қўлланган ҳолати кузатилади. Мирзо ижодида форсий тилда яратилган шеърлар қаторида ҳар бир мисраси туркий-форсий тилларда ёзилган шеърлар ҳам учрайди. Масалан,

Гулъузоринг, эй дилбар, томро намоён шад,

[2] Бу санъат илмий адабиётларда шеър икки тилда бўлса *талмиъ, ширу шакар*, уч тилда бўлса *шаҳдуширу шакар* каби атамалар билан ҳам қўлланиши қайд қилинади (Р.Ф.).

Завқдин ишим тун-кун ҳамчу булбул афғон шад.

Юзинг ҳусн авжида ҳамчу моҳтобон аст,

Хўблар анга боқғач мисли анжум ҳайрон шад. [11ᵃ]

байтлари билан бошланган ғазалнинг ҳар мисраси икки тилда ёзилган. Бу, шеършуносликда кам учрайди. Одатда, муламмаънинг ҳар бир мисраси бир тилда бўлади. Буни адабиёт назариётчиси Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида “бу санъат анингтек бўлурким, шеъре айтурларким, бир мисраи бир тил бирла бўлур, бир мисраи яна бир тил бирла”[3], деб изоҳлайди. Мирзо эса, ҳар бир мисрани икки тилда яратиб, бу анъанага ижодий ёндашади. Муламмаъ иккита тил бирликларини ёнма-ён келтириш орқали шеърхон диққатини асар ғояси ва моҳиятига жалб этади. Шаклий жиҳатдан ноанъанавийлик ушбу санъат юзага келишининг асосий омилларидандир.

Мирзо лирикасида худди шу каби ноанъанавийлик асосидаги бадиий санъатлардан бири такрирдир. Ғазалда (асосан, байтнинг иккинчи мисрасида) муайян сўзнинг айнан такрорланишига асосланган такрир Хоразм адабий муҳити ижодкорлари ғазалларида фаол қўлланган лафзий санъатлардан. Такрорлаш йўли билан сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаш бу санъат асосий вазифаси саналади. Хусусан, Мирзо ғазалидаги

Ҳусн иқлимида сендек йўқдур, эй зебо нигор,

Гулузору гулузору гулузору гулузор. [13ᵃ]

байтининг иккинчи мисрасида такрор келган “гулузор” сўзи биринчи мисрада мурожаат қилинган маъшуқанинг сифатини таъкидлаб келмоқда. Мирзо ғазалиётида такрирга асосланган яна учта ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг матлаълари қуйидагилар:

1. Токи бўлдим санга, эй дилрабо,

Ошноу ошноу ошно. [3ᵃ]

2. Юзинг меҳрини қил манга бу замон,

Аёну аёну аёну аён. [27ᵇ варақ ҳошия]

3. Умр берсун шоҳима кўб моҳу сол,

[3] Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. Ўзбек тили ва адабиёти, 2002 йил №6. – Б. 73.

Зулжалолу зулжалолу зулжалол. [23[6]]

Келтирилган ғазалларда “байтларнинг иккинчи мисраларидаги ушбу сўзларда ифодаланаётган маъноларни, фикрларни таъкидлашга хизмат қилади, уларни кучайтиради, кечинмалар, туйғулар мавжини, эҳтиросларнинг бениҳоялигини акс эттиради, бинобарин, асар қаҳрамони бўлган ошиқ қиёфасини ёрқинроқ гавдалантириш, унинг дил дардаларини таъсирчанроқ мужассамлаштириш вазифасини бажаради”[4].

Мирзо ижодида айрим бадиий санъатлар бир мисра ёки байт мисолида кўринса, баъзан бутун бошли ғазалда намоён бўлади. Хусусан, саволу жавоб ва радди матлаъ санъатлари шулар жумласидандир.

Ҳар бир мисрасида шеърий санъатлар, тасвирий ифодаларнинг қўлланган шоир шеъриятининг юксак бадиийтидан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам, унинг шеърлари бадиий тасвир воситаларига ниҳоятда бой. Шоир баъзан очиқдан очиқ, баъзан эса яширин тарзда бадиий тасвир воситаларига мурожаат қилади. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам кўзланган мақсадга эришилгани муҳим.

Ғазалнависликда ошиқ ва маъшуқа муносабатлари аксар ҳолларда ошиқнинг дил кечинмалари, ҳижрон изтиробларию висолдан умидворлик тарзида баён қилинса, баъзан мулоқот воситасида очиб берилади. Мулоқот инсоннинг ўзини ўзи намоён этиш воситаси. Ўзбек ғазалчилигида мулоқотнинг юзага келиши уни халқ тилига яқинлаштирди. Мулоқот-ғазалларда икки лирик образ – ошиқ ва маъшуқа образлари туради. Бунда одатда байтнинг биринчи мисрасида ошиқнинг аҳволи зори, иккинчи мисрада маъшуқанинг унга зид жавоби берилади. Ошиқ ва маъшуқанинг мулоқоти эса “дедим-деди”, “сўрдим-сўрди”, “айдим-айди” каби муаллиф ремаркалари билан шакллантирилади. Ўзбек адабиётида мулоқот ғазалнинг етук намуналари Лутфий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Феруз ва бошқа мумтоз ижодкорларда кўп учрайди. Ошиқнинг ғариб аҳволию маъшуқанинг бепарволиги поэтик фикр ифодасининг ноёб усули. Бу эса, икки образнинг мулоқотида тўла намоён бўлади:

Дедим: мени шод айлагил шаҳло кўзингни кўрсатиб,

[4] Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 126.

Деди: кўзим жонинг олур кирпикларим ўқин отиб.

Дедим: қадингға сарвни мумкинму ташбиҳ айламак,

Деди: бўлурму сарвни ҳаргиз қадимға ўхшатиб...

Одатда, бу шаклдаги ғазалларда мулоқот сўнгида маъшуқа ошиққа ён беради:

Дедим: сани Мирзо агар уйқуда кўрса найласун?

Деди: белим қучсун манга тасдеъ бермай уйғотиб. [4б]

“Ошиғинг сени уйқуда кўрса, нима қилсин?” деган саволига маъшуқа “Менинг ҳаловатимни бузмай (тасдеъ бермай) белимдан қучсин” деб висолдан умидвор қилади.

“Матлаъни такрорлаш”га асосланган радди матлаъ санъати мумтоз ғазалчилигимиз учун анча қадимий анъана. Радди матлаъда ғазалнинг биринчи мисраси мақтаъда такрорланади. Шу тарзда ғазалнинг охирги байти биринчи байт билан узвий боғланади. Мирзонинг қуйидаги ғазали радди матлаъга мисол бўла олади:

Матлаъ:

Қатл ишин доим манга эй чашми хунхор айладинг,

Кўнглум озурда қилиб, кўзимни хунбор айладинг.

Мақтаъ:

Бир тараҳҳум қилмадинг, Мирзони ҳолини сўруб,

Қатл ишин доим манга эй чашми хунхор айладинг. [22а варақ ҳошия]

Бу билан шоир ғазалда илгари сурилган ғояни яна бир бор таъкидлайди. Шоирнинг “Эй сабо, айғил манга қоши камоним қайдадур?” мисраси билан бошланувчи ғазалининг мақтаъси ҳам айни шу мисра билан якунланади:

Орзу айларман ул ой васлини Мирзо киби,

Эй сабо, айғил манга, қоши камоним қайдадур? [12а]

Мирзо ижодида лафф ва нашр (“йиғиш ва ёйиш”) санъатининг муваффақият билан қўлланганини кўрамиз. Масалан,

Кўргузуб қаду зулфинг сарв бирла сунбулни

Боғ аро бирин маҳв эт, бирини паришон қил. [23б]

байти бунинг далилидир. Ушбу санъатда бир неча нарса ёки тушунчалар номи кетма-кет келтириб, кейин уларни ҳақидаги ҳукмларни бирма-бир баён қилишни назарда тутади. Мумтоз лирикада “қад” ва “зулф”нинг азалий ташбеҳи “сарв” ва “сунбул”дир. Бу ўринда сарвнинг тик ва бир бутун ҳолатда, сунбулнинг ёйиқ (паришон) кўринишда эканини ҳам шоир маҳорат билан қўллайди. Лафф ва нашр санъати қўлланган байтларда, одатда, ташбеҳ билан бирга муболаға санъати ҳам ёнма-ён келади. Ушбу байтда ёр қадди олдида сарвнинг маҳв бўлиши, зулф олдида сунбулнинг паришон бўлиши, яъни тасвирнинг бўрттирилиши билан муболаға санъати ҳам ўринли қўлланган. Одатда, лафф ва нашр санъати қўлланган байтларда биринчи мисрада саналган номларга мос ўхшатилувчилар иккинчи мисрада келтирилади. Айрим ҳолатларда улар бир мисра таркибида келиши мумкин. Юқорида байтда эса, бир қарашда биринчи мисранинг ўзида лафф ва нашр тугал қўллангандек кўринса-да, иккинчи мисрада ўхшатилувчиларнинг сифатлари келтирилиши байт мазмунининг мукаммаллиги учун хизмат қилган.

Адабиётлар:

1. Муҳаммад Расул Мирзо. Девони Мирзо. Қўлёзма. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. Инв. №904/IV
2. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. - 194 б.
3. Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996, -304 б.